

«ТАСДИКЛАЙМАН»

Сурхондарё вилоят Эндокринология диспансери

Харид комиссиясининг раиси

К.М.Меликулов

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 йил

Диспансерда беморларига исёик овкат билан таъминлаш аутсорсинг  
хизматини курсатувчи ташкилотларга талаб этиладиган хизматлар ва  
хужжатлар рўйхати

## ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

Сурхондарё вилояти Термез шаҳри -2022 йил

МУНДАРИЖА

- I Боб. Қатнашчига кўрсатма
- II Боб. Танловнинг таклиф шакллари
- III Боб. Етказиб бериладиган махсулотлар(хизматлар)га нарх ва техник талаблар
- IV Боб. Тижорат қисми
- V Боб. Шартнома шакли

## I БОБ. ҚАТНАШЧИГА КЎРСАТМА

### A. Умумий маълумот

Танловпредмети

Мазкур танлов ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Танлов комиссиясининг вазифалари

Техник ва тижорат таклифларини баҳолаш гуруҳининг вазифалари

Қатнашчига танловда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари

Танлов доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

### B. Танлов ҳужжатлари

Танлов ҳужжатининг таркиби

Танлов ҳужжатларига аниқлик киритиш

танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

### B. Танлов ҳужжатларини тайёрланиши

Танловда қатнашиш харажатлари

Танловда қўлланиладиган тил

Танлов таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар

Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш

Муқобил таклифлар

Танлов таклифини расмийлаштириш ва имзолаш

### G. Танлов таклифининг топширилиши ва очилиши

Танлов таклифларини муҳрлаш ва конвертларни белгилаш

Танлов таклифларини топширишнинг охириги муддати

Танлов таклифларининг очилиши

### D. Танлов таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш тартиби

Танлов таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш

Таклифларнинг мос келмаслиги

### E. Шартномани расмийлаштириш

Шартномани расмийлаштириш

Тўлов шартлари

Шартномани имзолаш

## A. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

### 1. Танлов предмети

Танлов комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ва Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 276, 20.05.2022 й.) асосан амалга оширади.

### Танловни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар:

Танловни ўтказиш очик турда бўлиб, Сурхондарё Эндокринология диспансери стационар даволанган беморларига тайёр овқат етказиб бериш бўйича танлов ўтказиш кўзда тутилган.

**Тўпламлар сони: 5 кун давомида**

**Хизматларнинг максимал нархи: 75 000 000 сўм.**

Танловга қўйилган товарнинг (хизматнинг, ишнинг) нархи қўшимча қиймат солиғисиз билан.

Ишлар танлов ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим.

Хизмат кўрсатиш муддати: ҳар ой ҳисобидан келиб чиқиб 30 ёки 31 кун.

### 2. Мазкур танлов ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Бюджет маблағлари ҳисобидан Сурхондарё вилоят Эндокринология диспансерида стационар даволанган беморларига уч маҳал тайёр овқат етказиб бериш ташкилотни аниқлаш бўйича танлов (кейинги ўринларда – Танлов) ўтказишдан мақсад – мазкур танлов ҳужжатлари талаблари асосида тизимни яратиш берувчи ташкилотни аниқлаш.

Танлов ўтказиш тартиби – бир босқичли.

**Буюртмачи** – Сурхондарё вилоят Эндокринология диспансери;

Манзили: 190108, Термиз шаҳари Навбахор кучаси 1-уй.

Танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс – давлат харидлари бўйича бош шифокор

уринбосари М.К.Баратов; Тел: (99) 422-07-10

### 3. Танлов комиссиясининг вазифалари:

-танлов ўтказиш тартиб-қоидаларини белгилайди;

-белгиланган тартибда танловни ўтказиш;

-танлов талабгорларига тааллуқли барча ҳужжатларни такдим қилиш, муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш;

-танлов бўйича келиб тушган таклифларни очиш санасини белгилаш;

-таклифлар билдирилган, уларнинг танлов ҳужжатлари билан белгиланган талабларга (такдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги, уларнинг расмийлаштирилиши ва ҳоказо) мувофиқлигини текширади;

- талабгорлар томонидан такдим этилган таклифларини кўриб чиқишда нархларнинг сунъий равишда оширилишини олдини олиш ва ҳолисликка ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш;

- зарур ҳолларда комиссия фаолиятига мутахассис ходимлар жалб этилишини назарда тутиш;

- ғолиб деб топилган талабгорлар билан шартнома имзолаш бўйича таклиф беради.

**Танловнинг ташкилотчиси** - Ишчи гуруҳ. Унинг вазифасига қуйидагилар қиради:

- танлов ҳужжатлари ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда талабгорларга такдим этади;

- танлов ўтказилиши тўғрисида республика товар хом ашё биржасининг [www.dxarid.uzex.uz](http://www.dxarid.uzex.uz) порталида эълон беради;

- танлов таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди.

### 4. Техник ва тижорат таклифларни баҳолашда танлов комиссиясининг вазифалари:

-қатнашчиларнинг танловга такдим этилган молиявий ҳужжатларини ва нарх таклифларини ўрганати, таҳлил қилади ва кўриб чиқади;

-энг яхши танлов нарх таклифини аниқлайди, ғолибни аниқлайди ва қарор қабул қилади.

**Қатнашчи** - мулкчилик шаклидан қатъий назар, танлов талабларида кўрсатилган товарларни етказиб бериш ва хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

Қатнашчи:

- такдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг хақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;

- фақат битта таклифни такдим этиш ҳуқуқига эга;

- такдим этилган таклифни такдим этиш муддати тугамагунча қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

### 5. Қатнашчига танловда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари

Танлов таклифларини тайёрлайди ва танлов комиссиясига такдим этади. Уларнинг фаолиятини баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча ахборотни такдим этади (Танлов комиссиясининг сўровига кўра).

5.1. Танлов қатнашчиларини малакали танлови Танлов комиссияси томонидан амалга оширилади.

Танлов қатнашчилари қуйидаги ҳужжатлар ёрдамида малакали танланади:

- қорхона ва ташкилотларининг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисида маълумотнома;

-юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нусхаси;

- тегишли ваколатли орган томонидан берилган танлов талабларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхаси;

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига такдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРи кўрсатилган бўлиши ва танлов эълон қилингандан сўнг олинган бўлиши шарт.

5.2. Малакали танловдан ўтган қатнашчи танлов комиссиясига

- қатнашчининг ташкилий шакли (1-шакл);

- қатнашчи тўғрисида умумий маълумот (2-шакл);

- қатнашчининг тажрибалари тўғрисида маълумот (3-шакл);

5.3. Қатнашчи танлов таклифларини тайёрлаш ва такдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз ҳисобидан қоплайди.

5.4. Танловда ғолиб чиққан такдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

**Танлов ғолиби** – таклифларни баҳолаш яқунлари бўйича танловда энг паст нарх таклиф қилган танлов қатнашчиси.

**Захирадаги қатнашчи** – танлов ғолибидан кейинги ўринда турган паст нарх таклиф қилган қатнашчи.

5.5. Танловга қуйидаги қатнашчилар қўйилмайди:

-шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;

- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эга бўлмаган;

- инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;

- имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошқор қилиш ва такдим этишни назарда тутмайдиган ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлган;

- аввал имзоланган шартномалар бўйича қилиш билан мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;

Буюртмачи қуйидаги ҳолларда иштирокчининг харид тартиб-таъминларида қатнашишдан четлаштирилади, агар:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита миқдорнинг хар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органининг хар қандай шаклда маблағ, иш таклифини ёки бошқа хар қандай қимматбаҳо буюмларни ёки хизматларни таклиф қилиши, бериши ёки беришга рози бўлганлиги - ёки харидорнинг давлат харидлари жараёнида ҳаракатлари юзасидан қарор қабул қилиши ёки хар қандай рақобат тартибининг қўллаши;

- иштирокчи қонунга ҳилоф равишда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

6. Танлов доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

6.1. Тушган таклифларнинг кўриб чиқилиши, уларнинг танлов комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот махфий ҳисобланади ҳамда танлов тартиб-қоида-сига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Танлов комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошқор қилинганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

## **Б. ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ**

7. Танлов ҳужжатининг таркиби

7.1. Танлов қатнашчиси унга берилган танлов ҳужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлиқ ўрганиб чиқиши шарт.

7.2. Танлов ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб қилинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг танлов ҳужжатлари талабларига тўлиқ тўғри келмаслиги, таклифнинг қабул қилинмаслигига олиб келади.

8. Танлов ҳужжатларига аниқлик киритиш

8.1. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар Қатнашчи танлов ҳужжатларига қандайдир аниқлик киритиш учун танлов комиссиясига ёзма равишда мурожаат қилишлари мумкин.

8.2. Танлов комиссияси талабгорнинг сўровига кўра Танлов таклифларини тақдим этишнинг сўнгги муддатидан қамда 3 кун олдин сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда танловнинг барча қатнашчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, танлов ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволга ёзма жавоб бериши шарт.

9. Танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

9.1. Таклифларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар қамда 3 кун олдин танлов комиссиясининг комиссия қарорига мувофиқ талабгорларга маълум қилиб, таклифга тузатиш киритиш учун етарли бўлган вақт берган ҳолда, унинг муддатини узайтириб, танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳақлидир.

## **В. ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ**

10. Танловда қатнашиш харажатлари

10.1. Танловда иштирок этиш ва танлов ҳужжатини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар қатнашчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

10.3. Танлов таклифи нархи миллий валюта - сўмда тўланишилозим.

10.4. Махсулот (хизмат, иш) нархи (таклиф)га барча харажатлар, яъни солиқ ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

10.5. Қатнашчи томонидан белгиланган нархлар махсулотни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини охирига етказилмагунга қадар ўзгартиришмайди (танлов комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориш натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

10.6. Нархларнинг ошишига қараб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи танлов таклифлари исталган босқичда танлов талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилиши рад этилади.

11. Танловда қўлланиладиган тил

11.1. Қатнашчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буюртмачи ва қатнашчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли ҳужжатлар ўзбек тилида тайёрланади.

12. Танлов таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар

12.1. Танлов комиссияси лозим бўлганда Танлов қатнашчиларидан тақдим этилган Танлов таклифларини тасдиқлаш учун қўшимча ёки бошқа маълумотларни талаб қилиши мумкин.

13. Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш

13.1. Қатнашчи танлов таклифини қатъий равишда мазкур танлов ҳужжатининг II бобидаги шакллар асосида тақдим этиши лозим.

13.2. Танлов таклифи шаклларидаги барча бўш графалар танлов ҳужжатлари талаблари асосида тўлдирилиши зарур.

13.3. Қатнашчи таклиф этилаётган махсулот (хизмат) учун нарх таклифини танлов таклифи шакли асосида тақдим этиши лозим.

14. Муқобил таклифлари

14.1. Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган махсулот (хизмат) кўринишида берилган танлов таклифлари кўриб чиқилмайди.

15. Танлов таклифларини расмийлаштириш ва имзолаш

15.1. Танловда иштирок этиш учун қатнашчи танлов ҳужжатларини имзолаш ваколати бор бўлган ўзининг вакилини тайинлаши мумкин. Вакил томонидан имзолаш учун қатнашчи ўз вакилига тегишли ишонч хати бериши лозим, ишонч хати ташкилотнинг ваколатга эга шахси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

Танлов иштирокчиларининг таклифлари ип билан тикилган, рақамланган, муҳр қўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларнинг ҳар бир варағи имзоланган ҳолда тақдим этиш тавсия этилади.

15.2. Берилган таклифларда ёзув қаторлари орасига қўшиб ёзиш учун жой ташланиши ёки ўчириш ҳолатлари мавжуд бўлса, бу таклиф ўз кучини йўқотади ва рад этилади.

#### **17. Танлов таклифларини топширишнинг охириги муддати**

17.1. Қатнашчиларнинг танловтаклифлари xarid.uzex.uz электрон савдо платформасида эълон берилган кундан бошлаб 5иш кундан кечикмасдан танлов комиссиясига топширилади (**шанба, якшанба дам олиш кунэтиб белгиланади**).

17.2. Танлов таклифларини топширишнинг охириги муддати ҳеч қандай шароитда кўчирилмайди (9.1-бандида эслатилган тасодифий ҳолатлардан ташқари).

17.3. Танловтаклифларини топширишнинг охириги муддатига 3 кун қолгунга қадар танловқатнашчиси ўз таклифлариникайтириб олиши ёқитаклифга ўзгартириш киритишимумкин.

17.4. Танлов қатнашчиси томонидан танловҳужжатларида талаб этилган маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаслиги ёқи мазқур танловҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган таклифлар кўриб чиқилмайди ва рад этилади.

#### **18. Танлов таклифларининг очилиши**

18.1. Танлов таклифлари беришнинг белгиланган муддати тамом бўлгач белгиланган кундан 10 иш кундан кўп бўлмаган муддатдатанловкомиссияситанлов таклифларни куриб чиқади.

18.4. Танлов комиссияси мажлисининг натижалари баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада танловқатнашчилари томонидан ётироф этилган, ташкилотлар санаб ўтилади. Шакл бўйича тақдим этилмаган ва танловга кўйилмаган таклифлар, баённомала улар рад этилишининг сабаблари кўрсатилган ҳолда алоҳида санаб ўтилади.

### **Д. ТАҢЛОВ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ**

#### **19. Танлов таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш**

19.1. Танлов комиссияси танлов таклифларини техник, ташкилий-молиявий ва тижорат жихатдан баҳолаш танлов комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

19.2. Танлов таклифларини баҳолаш икки босқичдан иборат:

-техник, ташкилий-молиявий;

-тижорат.

19.2.1. Танлов таклифларини баҳолаш вақтида Танлов комиссияси танловқатнашчисидан унинг танлов таклифлари борасида тушунтиришлар беришини сўраши мумкин.

19.2.2. Қатнашчиларнинг тижорат таклифларини барча учун тенг шартлар асосида ўтказиш мақсадида уларнинг танлов таклифларини баҳолашда, сифатли маҳсулот етказиб беришдан (хизмат кўрсатишдан, иш бажаришдан) иборат бўлган танлов таклифлари бўйича қонунчилик асосида кўшимча кўшилган қиймат солиғи тўловчилари томонидан солиқ суммаси киритиб ҳисоб қилинади.

19.3. Танлов қатнашчиларининг таклифларини молиявий баҳолаш, тижорат таклифларни баҳолаш мезони асосида аниқланади.

19.4. Танлов таклифларини қараб чиқиш муддати 10 кундан ошмайди.

19.5. Ёнг паст нарх таклиф қилганқатнашчи ғолиб деб ҳисобланади.

19.6. Яқун чиқариш ва танловнинг ғолиби тўғрисидаги қарор танлов комиссияси томонидан қабул қилинади. Ғолибни танлашда Танлов комиссияси аъзоларининг яққа тартибдаги ҳулосасига асосланилади. Қарор танлов комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий, кўпчилик овози билан қабул қилинади. Танлов комиссияси раисининг овози ҳисобга олинмайди фақат имзоси билан комиссия аъзолари қарорини тасдиқлаб беради.

19.7. Танлов комиссияси танлов ҳужжатлари шартларига мос келмайдиган ҳар қандай танлов таклифларини қабул қилиш ёқи рад этиш ҳуқуқини ўзида олиб қолади.

19.8. Танлов комиссиясининг сўровларига жавоб бераолмайдиган қатнашчилар томонидан тақдим этилган (берилган) ҳар қандай тушунтиришлар кўриб чиқилмайди.

Баённома йиғилишда иштирок этган аъзолар томонидан имзоланиши ва танлов комиссияси раиси томонидан тасдиқланиши керак.

19.9. Танлов ташкилотчиси танлов ғолибига танлов яқунлангандан кейин уч кундан кечикмай билдиришнома беради ва яқунларини Республика товар-ҳом ашё биржасининг www.dxarid.uzex.uz маҳсул порталида эълон қилади.

#### **20. Таклифларнинг мос келмаслиги**

20.1. Танлов ҳужжатларини текшириш чоғида аниқланган арифметик хатолар мавжуд бўлган тақдирда танловкомиссияси:

қатнашчига танловтаклифига тузатиш киритиш имқониятини бериши;

таклифларни баҳолашда, товар (хизмат, иш) нархи билан бирлик нархи ва сонини кўпайтириш натижасида олинган яқуний нарх ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, товар (хизмат, иш) нархи устунлик қиладиган, умумий нархга тузатиш киритилганидан қарор қабул қилиши мумкин. Агар сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) билан рақамда кўрсатилган сумма (нарх) ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, у ҳолда сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) устунлик қилади.

20.2. Агарда қатнашчи хатоларни тўғрилашдан бош тортса, унинг танловтаклифи танлов комиссиясининг қарори билан четлаштирилади.

20.3. Танловда иштирок этиш учун қатнашчи ҳуқуқи бошқа юридик шахсга ўтказилишига йўл кўйилмайди.

20.4. Танлов қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади:

тегишли лот бўйича танловтаклифларини тақдим этишнинг ёнг охириги муддатигача таклиф тушмаса ёқи фақат битта таклиф тушса;

барча танловтаклифлари танловҳужжатларига кўйиладиган талабларга мувофиқ бўлмаса;

барча танловтаклифларида танловҳужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса;

барча катнашчиларнинг таклиф этган нархлари товарнинг бошлангич қийматидан анча юкори бўлса.  
20.5 Танловнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши танловкатнашчиларидан бирон-бирининг мулккий ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

#### 1. Танлов

### Е. ШАРТНОМАНИ РАСМИЙ ЛАШТИРИШ

#### 21. Шартномани расмий лаштириш

21.1. Буюртмачи ва танлов ғолиблари ўртасидаги шартнома танлов ғолиблари тўғрисида республика товар-хона ашё биржасининг www.xarid.uz maxsus порталида эълон қилинган кундан бошлаб уч кун муддат ичида тузилади.

21.2. Агар Танлов ғолиби шартнома тузишни рад этса ёки белгиланган муддатда шартномани бажариш учун қафолат бермаса, у холда Буюртмачи танлов комиссияси қарорига мувофиқ кейинги энг кўп баллга эга бўлган захирадаги катнашчини танлов ғолиби деб эътироф этиши ёки такрорий танлов ўтказишни тайинлаши мумкин.

#### 22. Шартномани имзолаш

22.1. Ғолиб катнашчи 3 (уч) кун муддат ичида Буюртмачи билан шартнома имзолаши шарт.

22.2. Ғолиб деб топилган катнашчи шартномани бажариш қафолатини муддатда бера олмаса кейинги энг кўп балл тўплаган захирадаги катнашчи билан шартнома имзоланади.

23.3. Танлов ғолиби микдор, сифат ҳамда техник кўрсаткичлари бўйича шартнома талабларини бажармаса қонун доирасида (ёки шартнома талабларига асосан) жавобгарликка тортилади.

## II БОБ. Танлов таклиф шакллари

№ \_\_\_\_\_ -лот

1-шакл

### Танлов катнашчисининг ташкилий тузилмаси

Танлов катнашчисининг ташкиллаштириш бўйича ишлаб чиқариш тузилмасини такдим этинг: майдони, товар етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича ташкилий тузилмаси, манзили ва мулкчилик шакли (хусусий ёки ижарага олинган) кўрсатилган холда.

### ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛОВ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

№ \_\_\_\_\_ -лот

2-шакл

### (Катнашчининг фирма бланкасида)

№ \_\_\_\_\_ ва сана

### Катнашчи тўғрисида умумий маълумот шакли

Танлов савдолари иштирокчисининг номи: \_\_\_\_\_

Манзили ва телефон рақами: \_\_\_\_\_

Факс: \_\_\_\_\_

Юридик ақоми: \_\_\_\_\_

Ташкил этилган жойи ва санаси: \_\_\_\_\_

Фаолият турлари бўйича ихтисослашуви: \_\_\_\_\_

Офиси жойлашган жойи ва Ўзбекистондаги филиаллари: \_\_\_\_\_

Доимий ва вақтинчалик ишловчи ходимлари умумий сони, жумладан: \_\_\_\_\_

Доимий ишловчи ходимлар (жами): \_\_\_\_\_

Вақтинчалик ишловчи ходимлар (жами): \_\_\_\_\_

Қамада 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлган ходимлар сони, жумладан:

Доимий ишловчи ходимлар: \_\_\_\_\_

Вақтинчалик ишловчи ходимлар: \_\_\_\_\_

Танлов катнашчиси қорхонасининг ташкилий тузилмаси, жумладан:

- қорхонанинг ташкилий тузилмаси [филиаллари, ҳудудий бўлинмалари, ишлаб чиқариш майдонлари ва бошқа шахобчалари]

- ишлаб чиқариш жойлари мавжудлиги (жами  $m^2$ ) [хусусий ёки ижара];

- оғборхона жойлари мавжудлиги (жами  $m^2$ ) [хусусий ёки ижара];

- ишлаб чиқариш ускуналари

№	Техникаси номи	Сони	Ишлаб чиқарилган санаси	Сотиб олинган сана
---	----------------	------	-------------------------	--------------------

Катнашчи номи: [Катнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]

Таклифга имзо чекувчи лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг]

Имзо: [Юкорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]

Ушбу таклиф [Қатнашчининг тўлик номини кўрсатинг] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛОВ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

№ \_\_\_\_\_ -лот

3-шакл

Маҳсулот(хизмат)нинг техник тавсиф жадвали

Иштирокчи: \_\_\_\_\_

№	Товарлар (хизматлар, ишлар)	Техник топширикталабларини бажариш учун маҳсулот номи	Маркаси	Ишлаб чиқарилган давлати
1	2	3	4	5
<i>Танлов ном ва Лот рақами</i>				
1				
2				

Қатнашчи номи: [Қатнашчининг тўлик номини кўрсатинг]

Таклифга имзо чекувчининг лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг]

Имзо: [Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини кўйинг]

Ушбу таклиф [Қатнашчининг тўлик номини кўрсатинг] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]

### III БОБ. ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАРГА ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРГА НАРХ ВА ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

1. Умумий маълумотлар

1.1. Хизматларнинг тўлик номи: Вилоят Эндокринология диспансери беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини курсатувчиучун талаб этиладиган хизматлар рўйхати

Бажариладиган хизматларнинг бир ой давомидаги миқдори 1-жадвалда келтирилган.

1.2. Буюртмачи: Вилоят рухий касалликлар шифохонаси

1.3. Етказиб берувчи: Буюртмачи томонидан ўтказилган танлов натижаларига кўра етказиб берувчи аниқланади.

1.4. Хизмат кўрсатиш муддати: 2022 йил шартнома имзоланган вақтдан бошлаб 120 кун ичида.

1.5. Молиялаштириш манбалари: Ўзбекистон Республикаси БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ҳисобидан.

1.7. Хизмат кўрсатувчи ташкилот Вилоят рухий касалликлар шифохонасидиспансери беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини курсатувчи учун талаб этиладиган хизматлар рўйхати

Иш куни навбатчилик асосида ҳар кун ҳисобланади.

1-жадвал

вилоят Эндокринология диспансери беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини курсатувчи учун талаб этиладиган хизматлар рўйхати

№	Наименование	Ед-изм	Кол-во
1	Вилоят Эндокринология диспансери беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизмати	порц	3125

### IV БОБ. ТИЖОРАТ ҚИСМИ

Вилоят Эндокринология диспансери беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини курсатувчи учун талаб этиладиган хизматлар рўйхати

№	Наименование	Ед-изм	Кол-во
1	Вилоят Эндокринология диспансери беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини	порц	3125

### Тижорат таклифлари баҳоси ва уни белгилаш тартиби

1.1. Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар талаб килинган маҳсулотлар учун нархларини ўзларинг ички имкониятларидан келиб чиқиб белгилайди. Барча талаб килинган хизматлар учун эҳтиёт қисмлар “Хизмат кўрсатувчи” ташкилот томонидан тўлиқ қопланади.

1.2. Маҳсулот (хизмат, иш) баҳоси (таклиф)га жумладан танлов, солиқлар, бюджет ва нобюджет жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича харажатлар қўшилиши лозим.

1.3. Иштирокчи томонидан ўрнатилган баҳолар етказиб беришни (хизмат кўрсатишни, иш бажаришни) тўлиқ амалга ошириш даврига белгиланиб, ўзгартирилиши мумкин эмас.

1.4. Қайси босқичда бўлмасин, баҳони кўтаришга йўналтирилган танлов таклифлари танлов савдолари талабларига жавоб бермайдиган ҳисобланиб, танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

#### 2. Танлов валютаси

2.1. Танлов таклифлари Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда тақдим этилади.

#### 3. Етказиб бериш шартлари ва муддати

3.1. Маҳсулотларни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш ва ишларни бажариш муддати ҳар ой ҳисобидан келиб чиқиб 30 ёки 31 кун деб белгиланади.

3.2. Олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошланади ва \_\_\_\_\_ 2022 йилгача давом этади.

#### 4. Молиялаштириш шартлари ва жадвали

4.1. Аввалдан тўлов Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда умумий шартнома қийматининг 30%, қолган 70 % шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади.

#### 5. Шартномани молиялаштириш манбаи

5.1. Сурхондарё вилоят Эндокринология диспансери 2022 йил бюджет маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Маҳсулотни етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича тузилган Шартнома қонунчилик ҳужжатлари - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мос бўлиши лозим.

### Коррупцияга қарши курашиш бўйича

#### АСОСИЙ ШАРТЛАР

1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахннинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига қафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Тараф ХУқумат уйидан фойдаланиш бошқармаси ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилини керак:

“1008” ишонч телефони;

Telegram-канали («@anticorbot»);

Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.


Изоҳ: Шартномадаги ушбу шартлар “арим қора” шрифтда баён этилади.

Бажарувчи:

\_\_\_\_\_

Бунортмачи:

Вилоят Эндокринология диспансери К.М.Меликулов





"Тасдиқлайман"

Вилоят Эндокринология диспансери  
бош врач *Д.М. Меликулов*  
" 1 " *Ноябрь* 2022 йил



Вилоят Эндокринология диспансерида стационар даволанган беморларни овкатлангирини буйича  
2022 йил Ноябрь ойи  
**ТАОМНОМАСИ**

Т/р	Хафта куни	Вақти	Овкат тури	Овкат нархи	Жами
1	Душанба	Эрталабки нонушта	Нон, Чой, Манка буткаси (сут ва шакар билан)	4085,00	24000,00
		Тушлик овкат	Нон, Чой, Макарон шурва мол гуштига, хар хил салатлар ва курук мева шарбати билан	10215,00	
		Кечки овкат	Нон, Чой Сабзотли(Овшная суп) шурва мол гуштига, хар хил салатлар билан	9700,00	
2	Сешанба	Эрталабки нонушта	Нон, Чой, Гуруч буткаси (сут ва шакар билан)	4085,00	24000,00
		Тушлик овкат	Нон, Чой, Гречка шурва мол гуштига, хар хил салатлар ва курук мева шарбати билан	10215,00	
		Кечки овкат	Нон, Чой, Перловка шурва мол гуштига хар хил салатлар билан	9700,00	
3	Чоршанба	Эрталабки нонушта	Нон, Чой, Овсянка буткаси (сут ва шакар билан)	4085,00	24000,00
		Тушлик овкат	Нон, Чой, Гарох шурва мол гуштига, хар хил салатлар ва курук мева шарбати билан	10215,00	
		Кечки овкат	Нон, Чой Макарон шурва мол гуштига, салатлар билан	9700,00	
4	Пайшанба	Эрталабки нонушта	Нон, Чой, Манка буткаси (сут ва шакар билан)	4085,00	24000,00
		Тушлик овкат	Нон, Чой, Карам шурва мол гуштига, хар хил салатлар ва курук мева шарбати билан	10215,00	
		Кечки овкат	Нон, Чой Сабзотли(Овшная суп) шурва мол гуштига, Салатлар билан.	9700,00	
5	Жума	Эрталабки нонушта	Нон, Чой, Гуруч буткаси (сут ва шакар билан)	4085,00	24000,00
		Тушлик овкат	Нон, Чой, Гречка шурва мол гуштига, хар хил салатлар ва курук мева шарбати билан	10215,00	
		Кечки овкат	Нон, Чой, Перловка шурва мол гуштига, Салатлар билан	9700,00	
6	Шанба	Эрталабки нонушта	Нон, Чой, Овсянка буткаси (сут ва шакар билан)	4085,00	24000,00
		Тушлик овкат	Нон, Чой, Гарох шурва мол гуштига, хар хил салатлар ва курук мева шарбати билан	10215,00	
		Кечки овкат	Нон, Чой, Макарон шурва мол гуштига, хар хил Салатлар билан	9700,00	
7	Якшанба	Эрталабки нонушта	Нон, Чой, Манка буткаси (сут ва шакар билан)	4085,00	24000,00
		Тушлик овкат	Нон, Чой, Ловия шурва мол гуштига, хар хил салатлар ва курук мева шарбати билан	10215,00	
		Кечки овкат	Нон, Чой, Перловка шурва мол гуштига, хар хил Салатлар билан	9700,00	
Жами:				x	168000,00
Уртача кун				x	7
Бир беморга уртача бир кунлик овкат пули				x	24000,00

Диспансер парhez таомлар хамшираси

*Handwritten signature*

У.Тогалиева